Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 ИЮЛЬ, СЕШАНБА № 141 (636). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ЁШЛАР МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТНИНГ ЕТУК МУТАХАССИСЛАРИ БЎЛИШИ УЧУН ҚАЙҒУРИШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР.

Бизга ўтмишдан ҳайратомуз обидалар, осори атиқалар билан бирга аждодларимизнинг ақл-заковати, зеҳни ва фаросати, фикрлаш салоҳияти — бой маънавий олами ҳам мерос бўлиб қолган. Мустабид тузум ўрнида янги — навқирон тузум қарор топаётган нуқталарда ана шу мерос асқотади. Уидан қанча самарали фойдаласак, истиқлолимиз шунча мустаҳкамланади, довонлардан ўтишимиз енгил кўчади. Оиги, шуурн зўр халқнинг келажагига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Келажак тақдири эса тобора нучга тўлиб бораётган мустақиллигимизнинг муносиб ворислари — фарзандларимиз қўлидадир. Уларга ғамхўрлик қилиш, ҳар жиҳатдан етуқ, билимдон мутахассис бўлиб етишишида кўмаклашиш, бунинг учун олий таълим тизимини замон талаблари даражасига етказиш, абитуриентлардан имтиҳон олиш усулларини такомиллаштириш зарур.

Аввал хабар қилинганидек, Вазирлар Маҳкамасида ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов йиғилишни очиб, мустақиллик шароитида олий таълим ва унинг концепцияси, миллий мафкурани шакллантириш масалаларига тўхталди. Бугунги йиғилишда, деди Президент, республикамиз олий ўқув юртларига кирувчилардан тест усулида имтиҳон олишга доир муаммоларни муҳокама қиламиз. Мазкур долзарб масала мураккаблигига қарамай, унинг концепциясини келишиб олишимиз лозим. Зотан, бугунги кун, давр талаби шу эканини унутмаслигимиз керак.

Мустақиллигимизнинг икки йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Шу вақт мобайнида ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан анча етилдик, олимлар, зиёлилар миллий мафкурамизни яратиш хусусида фикр ва мулоҳазаларни билдиряпти. Тўғри, бу борада ҳозирча айрим ноаниқликлар ҳам бор. Биз миллий мафкурани яратиш билан бирга олдимизга бизким учун қандай давлат қуряпмиз, деган саволни кўндаланг қўяр эканмиз, ўзимизни ким билан таққослаётганимизга, капиталистик ёки монополистик, социалистик ёндошишлар йўқ бўлганига эътибор беришимиз зарур. Ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи олимлар, профессор-ўқитувчилар шу масалада фикр билдириши, йўлимизни янада аниқроқ белгилаб олишимизда ёрдам бериши даркор. Айниқса, ўсиб келаётган авлод тақдирига ҳеч ким бефарқ қарай олмайди. Бунда олий ўқув юртларининг аҳамияти каттадир. Ёшларни қай усулда ўқитиш, уларни тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлишига қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунда олий ва ўрта махсус таълим тизими савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш, халқ хўжалигида мутахассисларга бўлгаи талаб ва эҳтиёжни илмий таҳлил асосида аниқлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиш шу кунинг долзарб вазифаларидандир. Илгари қайси университет ёки институт қанча талаба қабул қилишини марказ, хусусан, давлат режа комитети белгилаб берар эди. Эиди бунинг тамоман акси. Аммо, шунга қарамай, ўқув жараёнини тубдан ўзгартиришда суст-кашлик қилиняпти, ҳамиша ҳам эҳтиёж ҳисобга олинмаяпти. Натижада кечагина диплом олган мутахассислар ишсиз қолиб кетмоқда. Олий ўқув юртлари зиммасида ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш масъулияти йўқ. Тўғри, бу камчиликларга барҳам бериш мақсадида дастлабки қадам ташланди, халқ хўжалигига қанча мутахассис зарурлиги инобатга олиниб, ҳар бир университет ва институтга кирувчилар сони тахминан бўлса ҳам аниқланди. Лекин — бу ишнинг бошланиши, холос. Уни илмий асослаш, социологик тадқиқотлар ўтказиш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш зарур.

Сизлар билан яна иккита масала хусусида фикрлашиб олмоқчиман, деди Президент сўзини давом эттириб. Соҳа муаммоларини биладиган, уларни бартараф этиш йўлларини излайдиган мутахассислардан иборат бир комиссия тузиб, унга бу борадаги концепцияни ишлаб чиқиш вазифасини топширсак мақсадга мувофиқ бўлур эди. Юқоридан туриб рақамларни камайтириш ёки кўпайтириш билан иш битмайди.

Ўғил-қизларимизни ўқишга қабул қилишда тест усулининг қўлланиши ижобий қадам бўлди. Бу қийғир ишлар пайини қирқади, мишмишларга чек қўяди, истеъдодли ёшларни танлаб олиш имконини беради. Бинобарин, бу ишни янада такомиллаштириб бориш керак. Таълим-тарбия жараёнини демократик ўзанга буриб юбориш учун республика олий ўқув юртлари ректорларининг кенгашини тузиш зарур, деб ўйлайман.

Ўқув лабораторияларн, аудиторияларни, университет ва институтлар ҳузуридаги кичик корхоналар, ўқув-ишлаб чиқариш базаларини янги замонавий технология билан жиҳозлаш зарур. Токи, бўлажак мутахассислар келгусида ишлайдиган корхоналардаги жараённи тўлиқ тасаввур эта олсин.

Энди профессор-ўқитувчиларнинг маоши тўғрисида. Улар ҳақида давлат имкони борича ғамхўрлик қилиб келмоқда. Айрим домлалар имтиҳон пайтида пул олармиш, деган хунук гаплар ҳам қулоққа чалиниб қолади. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Баъзи олий ўқув юртларида назорат издан чиққани, айрим домлалар пора олгани ҳам маълум. Бу гаплар қабул комиссияларининг обрўйига путур етказади, улар бундай қусурлардан фориғ бўлиши керак. Аксарият қабул комиссияларининг таркиби йиллар давомида ўзгармайди: бир хил домлар ишлайверади. Мен уларнинг ҳаммаси нопок демоқчи эмасман, балки бир-икки фоизи шундайдир... Уйлайманки, тест усули бундай бўлмағур гапларга ҳам чек қўяди.

(Давоми 4-бетда).

СУРАТДА: қабул пайти.

Малика Аннанинг ташрифи

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 июль куни Буюк Британия Қироличаси Елизавета II нинг қизи Малика Анна Зоти Олияларини қабул қилди.

Ислом Каримов Малика Зоти Олияларини қутлар экан, унинг мамлакатимизга ташрифи Узбекистон билан Буюк Британия ўртасида қарор топаётган дўстона муносабатларнинг ўзига хос рамзи эканини таъкидлади. Узбек ва инглиз халқлари бир-бирини янада яхшироқ билиб олиши учун шаклланаётган иқтисодий, савдо-сотиқ муносабатлари баробарида маданий алоқаларни ҳам ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу борада Узбекистон Республикаси ва Буюк Британия Қўшма Қироллигидаги қадимий шаҳарларнинг ўзаро биродарлашуви муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Бундан ташқари, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва болаларни ҳимоя этиш борасидаги тажрибаси республикамиз учун кўп келиши табиий.

Ислом Каримов Малика Зоти Олияларига Узбекистонда болаларни ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва атроф муҳитни яхшилаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар хусусида сўзлаб берди. Мустақил республикада «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши мазкур масалаларни ҳал этиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканидан далолат беради. Узбекистонликлар билан биргаликда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ишига улкан ҳисса қўшган чет эллик фуқаролар ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари Малика Зоти Олияларининг болаларни ҳимоя қилиш жамғармаси Президенти ва бир қанча хайрия ташкилотларининг ҳомийси сифатидаги ташрифи мамлакатларимиз ўртасида мазкур соҳалардаги ҳамкорликнинг тикланишига йўл очади, деб умид билдирди.

Малика Анна қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдирди. Республикамизга ташрифдан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

Малика Анна Англия ва Узбекистон ўртасидаги муносабатлар фақатгина иқтисодий ва савдо-сотиқ соҳаси билан чекланиб қолмасдан, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни соғломлаштириш, болаларни ҳимоя қилиш каби соҳаларни ҳам қамраб олиши лозимлиги тўғрисидаги Узбекистон Республикаси Президентининг таклифини қўллаб-қувватлади.

Бу таклифларни амалга оширишда шахсан ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

Суҳбат самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Малика Анна Зоти Олиялари ва у кишининг ҳамроҳлари 17 июль куни эрталаб Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Шу куни муҳтарам меҳмонлар Узбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Қурбонов номли болалар руҳий-асаб касалхонасига ҳам бордилар. Малика Анна шифохонада беморларга яратилган шароитлар, даволаш муолажалари ўтказиладиган хоналарни кўрди, даволаш маскани шифокорлари билан суҳбатлашди.

Буюк Британиялик меҳмонлар Узбекистон Фанлар академиясининг Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан танишдилар.

Буюк Британия маликаси жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига ташриф буюриб, дорилфунун талабалари, профессор-ўқитувчилари билан учрашди.

Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ректори С. Саидқосимов Буюк Британия Маликасини дорилфунундаги ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан таништирди.

* * *

18 июль куни Малика Анна Зоти Олиялари ва ҳамроҳлари Самарқанд шаҳрида бўлиб, унинг қадамий тарихий-меъморий обидаларини, Сиёб деҳқон бозорини томоша қилдилар, чинни заводи ишчи-хизматчиларининг қизғин меҳнат фаолиятлари билан танишдилар.

* * *

19 июль куни Малика Анна Зоти Олиялари турмуш ўртоғи ҳамроҳлигида Лондонга жўнаб кетди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш ва республика аҳолисини меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга бир хил ёндашиш мақсадида:

1. 1993 йилнинг 1 августигача меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари аҳолига 1993 йилнинг 20 июлигача амалда бўлган нархларда сотилиши таъминлансин.

2. «Узбексавдо» уюшмаси, Узбекбирлашув, савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ушбу фармойиш сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

3. Узбекистон Республикасининг Молия вазирлиги «Узбексавдо» уюшмаси ва Узбекбирлашув билан биргаликда ана шу мақсадлар учун бюджетдан бериладиган дотация миқдорларига зарур ўзгаришлар киритсинлар.

Узбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 17 июль.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессияси бўлди. Унда иқтисодий шароитида вилоятни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштириш, шунингдек, тадбиркорлик, ишбилармонлик, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Жуманиёзов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Яхшимурод Жуманиёзов вилоят ҳокимининг муовини этиб сайланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков сессияда сўзга чиқди.

Сессияда Узбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

УЙ-ЖОЙ ФОНДИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА УНИ САҚЛАШ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ КОНТРАКТ (ШАРТНОМА) ТИЗИМИГА ЎТИШ ТЎҒРИСИДА

«Узбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1993 йил 15 июлдаги фармонга ва «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йил 1 январгача мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар билан ҳудудий коммунал-фойдаланиш ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун ҳисоб-китобларнинг контракт (шартнома) тизимига ўтказиш зарур деб ҳисобласин.

Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун томонларнинг ўзаро жавобгарлиги тўғрисида Узбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган намунавий шартнома-контракт маъқулласин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ҳисоб-китобларнинг уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш бўйича нормативи (ҳақиқий) харажатларни мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар ҳисобига қоплашни назарда тутувчи янги тизимига ўтиш унга хизмат кўрсатишга давлат дотациялари миқдорларини ҳар йили қисқартириб борган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади;

1993 йилда маҳаллий ҳокимият органларининг уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни сақлаш бўйича ҳақиқий харажатларининг 70 фоизи бюджет ҳисобидан қопланади, кейинчалик дотация миқдори йил сайин 10 фоизга камайтириб борилади ва кейинги йилларда мазкур харажатлар тўлиқ мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар ҳисобига қопланади.

3. 1994 йилдан бошлаб аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни маблағ билан таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари маблағлари ҳисобига амалга оширилсин.

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Узбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда 20 кун муддатда, контракт тизимини ҳисобга олган ҳолда, уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш даромадлари ва харажатлари балансини тайёрласин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

1993 йилнинг иккинчи ярим йили ва кейинги йиллар учун республика бюджетида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун махсус субсидиялар бериш кўзда тутилсин.

4. Мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олувчилар билан ўзаро муносабатларнинг кўрсатиб ўтилган тартиби ўз балансида уй-жой фонди бўлган вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга ҳам жорий этилсин. Уларга ҳар йили уй-жойлардан фойдаланиш ва уларни сақлашга тегишли маблағлар ажратиш юклатилсин.

5. Узбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой фондининг тўлиқлик ва шинамлик даражасига, шунингдек, уйнинг тоифасига, қулайликлар мавжудлигига ва хизмат кўрастиш сифатига кўра, умумий майдоннинг 1 квадрат метри учун ҳақ тўлаш тарифини аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ушбу тартиб асосида умумий майдоннинг бир квадрат метри учун ҳақ тўлаш бўйича аниқ ставкаларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

6. Квартира ҳақи тўлаш бўйича фуқароларнинг айрим тоифалари учун ҳозирги вақтда амалда бўлган имтиёзлар сақлаб қолинсин, тарифлардаги тафовут бюджет манбалари, шунингдек, уй-жой фондининг кимга қарашли эканлигига кўра, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларига тўлансин.

7. Уй-жойларга хизмат кўрсатиш қийматини тўлаш бўйича аҳолининг анчагина харажатларини қоплаш учун Узбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда кўп болали, кам таъминланган оилаларга алоҳида пул нафақалари тўлаш тартиби тўғрисида таклифларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар маҳкамасига киритсинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Узбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, тегишли ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари билан биргаликда:

шу йилнинг 1 ноябригача мулк эгалари ва уй-жойларни ижарага олганлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг янги тизимига ўтиш тўғрисида шартнома-контрактлар тузсинлар;

аҳоли ўртасида зарур тушунтириш ишларини ўтказсинлар, бу ишларга маҳалла ва уй-жой комитеталарини кенг жалб этсинлар;

уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари томонидан аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар учун маҳалла ва уй-жой комитеталарининг жавобгарлигини оширсинлар.

9. Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ойлик маблағлар ажратиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида таклифларни ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

10. Узбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, корхоналар ва ташкилотлари аҳоли томонидан ҳамда республика халқ хўжалигида фойдаланиладиган сув, табиий газ ва бошқа энергия манбаларини тежаб сарфлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 26 майдаги 166—Ф-сон фармойишини сўзсиз бажаришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар.

11. ЎзССР МИК ва ХКСнинг «Квартира ҳақи ҳамда шаҳарларда ва шаҳар типидаги посёлкаларда уй-жойлардан фойдаланишни тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1927 йил 26 майдаги 63-сон, ЎзССР ХКСнинг 1945 йил 31 декабрдаги 2078-сон қарорлари кейинги ўзгаришлари билан бирга ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари ўртоқ К. Н. Тўлаганов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 17 июль.

(Ушбу қарорнинг шарҳини 4-бетда ўқийсиз).

ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ИСТИҚЛОЛНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ АРАФАСИДА «ХАЛҚ СУЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ БИР ГУРУҲ ИЖОДИЙ ХОДИМЛАРИ УШБУ ВИЛОЯТДА БУЛИШГАНДИ. ГАЗЕТА КУНЛАРИГА БАГИШЛАНГАН МАҚОЛАЛАРНИ 2—3-САҲИФАЛАРДА УҚИИСИЗ.

Темур ХИДИРОВ,
Қашқадарё вилояти ҳокими.

АВЛОДЛАР АРМОНИ УШАЛМОҚДА

Мустақил Узбекистонимиз тарихида янги давр бошланди. Халқимиз қандай кунларда яшаётганлигини, жамиятимизда юз бераётган иқтисодий ислоҳотларнинг, туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини, мақсаднни чуқур тушуниб, замонга ҳамнафас ҳолда қадам ташламоқда. Эртанги кунимиз, Узбекистонимизнинг тақдири, фарзандларимиз келажаги бизнинг ҳозирги масъулиятли паллада ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишимизга боғлиқ.

Вилоятимизда ўтган қисқа давр ичида муайян ишлар қилинди. Энг муҳими кўпчилик раҳбарларимиз олиб борилаётган сиёсатнинг тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдилар. Бугун эса бу ишга бутун халқ бош қўшмоқда.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг яқинда вилоятимизга ташрифи биз учун катта имтиҳон бўлди. Юртбошимиз ишларимиз билан яқиндан танишиб, эришган ютуқларимизга ҳам, камчиликларимизга ҳам холисона баҳо бердилар. Айрим туман ва шаҳарларда, халқ хўжалигининг баъзи соҳаларида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда сусткашликка, ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани, баъзи раҳбарларимизнинг эскичасига иш олиб бораётгани, ислоҳотлар моҳияти ва мазмунини тушунмай, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига тўсқинлик қилаётгани ҳам Президентимизнинг ўткир назаридан четда қолмади. Ислом Абдуғаниевич адолат билан ҳато ва камчиликларимизни, уларни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қилиб, бу иллатлардан қандай қутулиш, ислоҳотни собитқадамлик билан давом эттириш йўлларини кўрсатиб бердилар.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Қашқадарё фаоллари билан бўлган учрашувда таъкидлаганларидек, энди эски усулларда ишлаб раҳбарлик қилиш мумкин эмас. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, давлатимизнинг арконн сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган беш қоидага таяниб, ишга муносабатимизни ҳам, ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам ўзгартирмасак, иқтисодий ислоҳот амалга ошмаслиги аниқ.

(Давоми 2-бетда).

АНГЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГ ДУНЁНИ,

Мардона юрт

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Жумҳуриятининг жануби-ғарбида, Амударё ва Зарафшон тизма тоғлари оралиғида жойлашган. Вилоят Марказий Осиё давлатларининг қоқ ўртасидан ўрин олган, Москва—Душанбе, Тошкент — Китоб темир йўли кесиб ўтган. Табиий, иқтисодий, кўплаб меҳнат ресурсларига бой ўлка ҳисобланади. Қашқадарё 1924 йил 1 ноябрда вилоят сифатида таркиб топган.

Вилоят Ўзбекистоннинг жанубидаги Қашқадарё ҳавзасининг деярлик ҳамма қисмини ўз ичига олади. Майдони 28,4 минг квадрат километр, аҳолиси 1756,2 минг киши (1993 йил, 1 январгача). Вилоят таркибида 14 туман— Ғузор, Деҳқонобод, Қарши, Косон, Китоб, Қамаши, Касби, Нишон, Усмон Юсупов, Чироқчи, Баҳористон, Муборак, Шаҳрисабз, Яккабоғ, 12 та шаҳар — Қарши, Шаҳрисабз, Бешкент, Ғузор, Муборак, Косон, Китоб, Толлимаржон, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ, Қамаши ва 1110 та катта-кичик қишлоқлар бор. Шимолдан Самарқанд, шимоли-ғарбдан Бухоро, жануби-ғарбдан Туркманистон, шимоли-шарқдан Тожикистон, жанубдан Сурхондарё билан чегарадош.

* * *

Вилоят Қашқадарё ҳавзасида ва Помир-Олой тоғларининг ғарбий чеккасида жойлашган. Ҳудудининг аксари қисми текислик. Лекин вилоятнинг шимоли-шарқини Зарафшон, жанубий-шарқини эса Ҳисор тоғлари ўраб туради. Вилоятнинг қўшни Тожикистон республикасига туташиб кетган қисмида Ботирбой, Семёнов каби абадий музликлар ҳам бор. Амир Темур, Улуғбек, Бобур Мирзо номлари билан боғлиқ тоғ чўққилари, ўнгир ва ғорлар мавжуд. Халқ қаҳрамони Муқанна ҳам Ҳисор тоғлари ёнбағрида куч тўплаб, душманга қаршилик кўрсатган.

* * *

Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи, Деҳқонобод туманларида қимматбаҳо рангли металларнинг 15 дан зиёд тури, ўнлаб минераллар борлиги мутахассислар томонидан аниқ далиллар билан исботлаб берилди. Бир неча жойда олтин борлиги ҳам аниқланди. Кўкбулоқ ва Деҳқонободда ош тузининг жуда катта заҳиралари бор. Ғузор дарёсининг юқори қисмида калий тузининг катта миқдори топилди. Тошлоқ, Одамтош, Қарахитой, Шўртанг, Кўкдумалоқ, Тошли, Аланг, Шўртепа майдончаларида газ ва нефть конлари бор.

* * *

Вилоят ҳудудида сопол идишлар ва ғишт пишириш учун бебаҳо хом ашё ҳисобланган — гилтупроқ мўл. Ғузор, Муборак, Қарши, Косон, Касби, Чироқчи, Деҳқонобод туманлари ҳудудида табиий газ, нефть, тузлар, Китоб, Шаҳрисабз туманларида эса симоб ва графитнинг катта миқдори, турли рангли металлар топилди.

* * *

Вилоят ёввойи ўсимликларга ниҳоятда бой. Бу ерда 1190 турдаги ўсимликлар ўсади. Буларнинг бир қанча тури саноат, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда қўлланади. 1991 йилда жумҳуриятимизда доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштирилган учта давлат хўжалиги ташкил топган эди. Ана шу хўжаликнинг бири Яккабоғ туманида бўлиб, «Қизилсув» деб аталади.

* * *

Вилоятда ўрмонлар қарийб 90 минг гектарни ташкил этади. Ўрмонзорларнинг асосий қисми — арчазорлар.

УНУТМАС СИЗНИ БУ БОҒ...

ЎШАНДА ҚАШҚАДАРЁ КЎРИНМАС олов ичида ёнарди. «Пахта иши» деган машъум тавқе лаънат туфайли уч мингга яқин киши қамалган, «марказ»дан келган қонхўр тўраларнинг тергову тафтиши давом этарди. Агар вилоятда уч юзга яқин хўжалик борлигини эътиборга олсак, ҳар бир колхоз-совхоздан ўн киши атрофида қамалган, халқнинг насибасига заҳар-заққум аралашган эди.

1986 ЙИЛ, 22 ДЕКАБРЬ — ўша пайтдаги тартиб бўйича янги саркотиб иш бошлади. Табиат ва жамият қонуниятлари айрича воқеъ бўлса-да, баъзан тасодифлар улар ўртасида боғлиқлик мавжудлигини таъкидлаб турганга ўхшайди. Вақт тақвимида энг қисқа куи бўлган, шундан кейин тун чекиниб, кунлар узая бошлайдиган чегара, не бахтки, қора куиларнинг энг қисқаси бўлди. Янги раҳбар билан воҳага рўшнолик, омонлик ва хайр-барака кириб келди, худди ер курраси қуёш атрофидаги сайрида ёруғлик томон ўгирилгани рост чиқди. Ноўрин зуғумларга чек қўйилди, қама-қама тўхтади, хазина илинжида изғиб юрган баъзи олакўз қонуний ўғриларнинг думи тугилди. Аста-секин турмуш тарзи барқарорлашиб борди, иш жойларида азалий завқли-яратувчи меҳнат бошланди. Албатта, булар осон кечгаии йўқ.

Шунда яна бирдан ғала-ғовур бошланиб кетди. Қайта қуриш штурвалини қайта бузиш сари дадил айлантираётган «меъмор»лар янги тадбир ўйлаб чиқдилар. Гўё ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тараққиёт учун янги уфқлар очиш мақсадида вилоятлар йириклаштириладиган бўлди. Жумладан, ўзига хос тарихга, анъанага эга бўлган Қашқадарё вилоятини қўшни Бухоро, Самарқанд ёки Сурхондарёга қўшиб юбориш ҳақидаги режалар маълум қилинди. Баъзи ховлиқма кимсалар бу «тадбир»ни қўллаб-қувватлаб, аюҳаннос сола бошлашди. Бироқ бу ишнинг оқибати ҳар бир ақлли одамга маълум эди. Соғлом фикрли кишилар изтироб чекар, умид кўзларини тикиб яшарди халқ. Қарийб уч ой чўзилган бу можаро туфайли воҳадан файз кўтарилди, ҳамманинг ишдан қўли совиди, аммо халқнинг бахтига унинг сардори асил раҳбар, чинакам юртбоши мақомини намоён этди: тинимсиз ва муросасиз кураш туфайли Қашқадарё вилояти ўз ҳудудларида сақлаб қолинди. Воҳа, таъбир жоиз бўлса, иккинчи марта туғилди.

Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, вилоятнинг ва унинг сарбонининг пешонасига ёруғ кунлар ёзилган экан. Бугун Қарши ёки Шаҳрисабздаги кенг шоҳкўчалардан машиналарда елиб ўтганда кўнгилни ажиб кўтаринкилик қоплаб олади: фаровонлик ва маданият уфуриб турган бу гўшаларда эзгу орзуларнинг рўёби мужассамлашган. Ҳар бир туман марказида барпо этилган гўзал бозорларда йил давомида қут-барака аримайди. Фаровонлик кўп нарсани белгилар экан. Қашқадарё вилояти халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва маданият жабҳаларида жиддий кўтарилиш босқичида турибди.

Бугунги фараҳли кунлар учун қашқадарёликлар Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг беқиёс хизматларини бир умр унутмайдилар.

Х. МУҲАММАДИЙ.

Қашқадарё — она Ўзбекистоннинг бир бўлаги, камалакдек рангин юрт.

Мабодо, уни таърифлаш керак бўлса, ўхшатиш ва сифатлашларнинг узун гулчамбараги, ҳатто зид маъноларни ифодаловчи сўзлар тизимига эҳтиёж туғиларди. Бу юрт ер усти тузилиши жиҳатидан барча жуғрофик минтақаларга эга: унда абадий музликлар ва қуш қанотн-ю одам оёғини куйдирадиган саҳролар, учи найзадек ўткир тоғлар ва поёнсиз кенгликлардаги нефть минаралари, дунёдаги энг таниқ балиқларга бой музлеи шаффоф дарёлар ва ҳафталаб сув ичмай юраверадиган туялар-у темир туёқ қораиўл қўйларга тўла яйловлар — хуллас, Қашқадарё ёз ва қиш бир пўстинда яшайдиган ўлка! Шу беполёнликданми, донишманд боболар Қаршида пишган шу йилги эртаги арпани Ҳисор тоғлари бағридаги экинзорларда уруғлик бўлганини нақл қиладилар. Қизиқ ҳолат: бир йилнинг ҳосили—шу йил уруғлик, яъни майнинг охирларида ўриб олинган арпанинг дони денгиз сатҳидан 3 минг метр баландликдаги Тошқўрғон далаларида уруғ қилиб сочилган, негаки, бу жойда шу пайтга келиб қор эриган, ер етилган. Ана шу маизарадан ҳам бу воҳанинг нақадар беполёнлиги ва турфа хиллигини билиб олиш мумкин. «Халқ сўзи» рўзномасининг бу галги ташрифи тарихи ва таасфи серқирра юртда бўлгани бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги шаклшамойили ҳар биримизнинг қалбларимизни тоғлар каби юксалтирмоқда, чексиз фахр-ифтихор ҳиссларига тўлдираяпти. Қадриятларимиз қайтмоқда, асрий орзуларни амалга ошириш имкониятлари яратилмоқда. Ҳар бир фуқарога ўз юрти ва ерининг хўжайини ҳисси сингдирилаяпти.

Мустақиллигимизнинг икки йиллигини нишонлаш арафасида буюк бобокалонимиз Амир Темур юрти Қашқадарё вилояти бўйлаб сафарга чиқдик. Об-ҳавонинг ҳар қандай шароитларида ҳам матонат кўрсатиб меҳнат қилаётган жасур кишилар билан учрашдик, ободлик ва фаровон шаҳарларда, саноат корхоналарида бўлдик.

ТАНДИРДА ЎТ ЎЧМАЙДИ

ЧИРОҚЧИ

Жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов дастлабки кунлардаёқ иқтисодий мустақилликни таъминламасдан туриб, сиёсий мустақилликка эришиб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Мустақилликнинг иқтисодий омилларидан бири — ўзимизни ўзимиз дон билан таъминлашдир. Бу соҳада жумҳуриятда катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, пахтадан бўшаган майдонларнинг аксарият қисмига дон экиш йўли билан ғалла ҳосилини кўпайтириш учун улуғвор тадбирлар амалга оширилаётир. Ана шундай тадбирларнинг энг каттаси республикамизнинг йирик ғаллакор тумани Чироқчида бажарилмоқда.

— Туманимиз хўжаликлари қарийб 80 минг гектар майдонда ғалла етиштиради — дейди туман ҳокими, таниқли мутахассис Рашид Норбўтаев. — Ўтган йили лалмикор майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 15 центнердан, суғориладиган майдонларнинг гектаридан 27 центнердан дон етиштирилган эди.

Бу йил баҳор ғаллачилик учун ниҳоятда қулай келди. Устма-уст ёққан ёмғирлар туфайли майсалар бўлиқ ривожланди. Чиғли даштларида, Кўкдала кенгликларида ғалла ҳосили мўл битди. Лалмикор майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 17 центнердан дон ҳосили ўриб-янчиб олинмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, собиқ СССР даврида ҳатто доннинг қайси навларидан экиш лозимлиги юқоридан белгилаб берилар, хўжаликларда доннинг қатъий навидан экишга рухсат йўқ эди. Чироқчида етиштирилган буғдой фақат шакарпазлик (кондитер) саноати учун олий нав ун тайёрлашга жўнатилган ҳолда энг арзон нархларга қабул қилинарди.

Арпанинг тақдири ҳам аянчли эди. Гўё ундан аҳоли кенг истеъмол қиладиган маҳсулотлар (масалан, пиво) тайёрлаш мумкин эмас, яроқсизга чиқариб қўйилар, арзимаган нархларда қабул қилиниарди. Холбуки, ҳозир Чироқчи арпасидан энг юқори талабга жавоб берадиган чанқовбосди ичимлиги тайёрланаяпти. Экин майдонлари олий навдаги бошоқли экинлар етиштириш учун қулай об-ҳаво шароитлари ҳам бопта эканлиги билан ажралиб туради.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги йилларда уруғчиликка бўлган эътибор сусайтириб юборилди. Ваҳоланки, ҳосил уруғдан олинади. Уруғчиликни чинакам илмий асосларда ташкил этиш, натижаларни синаб кўриш, энг серҳосил навларни деҳқонларга тавсия этиш керак. Қарийб 80 минг гектар майдонда дон етиштирадиган Чироқчи туманида бирон мутахассис ёки агроном уруғчилик билан шуғулланмайди.

Шунга қарамай, суғориладиган майдонларни кўпайтириш, ана шу экинзорларда ғалла етиштириш чоралари кўрилаётир. Ғалла ўрими ўтказилгандан сўнг такрорий экинлар — . маккажўхори, сабзавот, қовун, тарвуз экишга эътибор берилаяпти. Шундай қилиб, икки марта ҳосил олиш чоралари кўрилаётир.

Саксонинчи йилларнинг бошларида ғаллачилик ва чорначиликка ихтисослашган хўжаликларнинг суғориладиган ерларига негадир ғалла ўрнига пахта етиштириш йўлга қўйилган, шундай қилиб, ғаллакор хўжаликларга ҳам пахта суқулиб кирган эди. Ҳамон бунга барҳам бериб бўлмаётир. Ғаллачилнкка ихтисослашган хўжаликларда сувли ерларда фақат дон етиштиришни йўлга қўйиш вақти етди. Ахир дон-нон, мўл-кўл чорна озуқаси ҳам демакдир. Дон етиштириш билан гўшт, сут, жун етиштиришга ҳам манба ҳозирлаган бўламиз.

Илгари Қашқадарё ғалласи Бухоро амирлигидек улкан бир мамлакатни таъминлагани ҳолда кейинги йилларда бошқа минтақалардан дон олиб келингани тоталитар тузум даврида сунъий равишда вужудга келтирилган иқтисодий танглликнинг бир кўриниши эди, холос. Эндиликда бунга барҳам бериш вақти келди. Дон ҳақида умумдавлат, умумхалқ манфаатларидан келиб чиқиб ёндошиш керак. Мамлакатимизни дон билан таъминлаш учун катта имкониятлар бор. Фақат гап ана шу имкониятлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишда.

САМАРҚАНД ва ҚАШҚАДАРЁ вилоятлари чегарасида «Олтин бошоқ» автобус бекатида мезбонлар бизга пешвоз чиқишди. Самимий салом-аликдан сўнг қизғин суҳбат бошланиб кетди. Атроф беполён ғаллазор, Чироқчи тумани ҳудуди. Офтобнинг ҳарорати баланд, бироқ гоҳида муздек эпкин келиб қолади ва аланга ичида қолган вужудга жон бағишлагандай бўлади. Мезбонлар — вилоят ва туман раҳбарияти вакиллари, яқин ғаллазорда ўримда иштирок этаётган механизаторлар ўз ишларидан гапириб беришди, суҳбатда, жумладан юқоридаги гап-сўзлар бўлди. Уларнинг хурсандлиги кўриниб турар, бу йилги ҳосил чўғидан ҳамма мамнун эди. Ҳар ҳолда, мустақил Ўзбекистонимиз дастурхони қанча тўкин бўлса, мўлжалланган улуғвор режаларнинг амалга ошиши шунча тезлашади. Бугун Чироқчи туманни буғдойзорларида ҳам дунё саҳнида дадил одим ташлаётган озод Ватан шуҳратини ҳис этиш мумкин.

АВЛОДЛАР АРМОНИ УШАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги раҳбар иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш йўлларидан, жамиятнинг ҳаракат йўналишларидан яхши хабардор, иқтисодий жиҳатдан саводхон бўлиши зарур. Ватан тақдирини билим савияси, тафаккури, ташкилотчилиги, қатъияти ва ниҳоят жисмоний қуввати етарли бўлмаган ночор раҳбарлар қўлига топшириб бўлмайди. «Раҳмонга чироқ ёки шайтонга косов» бўлишга қурби етмайдиган тоифадаги раҳбарлардан қонуний йўл билан, демократик асосларда халос бўлиш чоралари кўрилади. Акс ҳолда уларни ҳаётнинг ўзи четга суриб ташлайди. Чунки эндиликда одамларимиз оқ билан қорани, ҳақ билан ноҳақнинг тобора кўпроқ фарқига бормоқдалар. «Мени халқ қўллайди, лекин қиладиган ишимни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди», деб кўкрагига уриб, сиёсий сафсатабозликни ниқоб қилиб, истиқлол берган эркинликдан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган баъзи бир лўттибозларнинг ҳақиқатда ким эканлигини бугунги кунда фуқароларимиз аниқ билиб қолдилар. Ўзбекистон халқ депутатлигига Муборакдан сайланган Мурод Жўраевни депутатликдан чақириб олиш муносабати билан шу йил 8 май куни ўтказилган сайлов бунга яққол мисол бўла олади. Сайловчиларнинг 99,1 фоизи бу сиёсий сафсатабозни депутатликдан чақириб олишга якдиллик билан овоз берди. Ишимиз муваффақиятини таъминлайдиган, раҳбарни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам халқ. Уни алдаб ҳам, чалғитиб ҳам бўлмайди.

Иқтисодий ислоҳотнииг бош масаласи мулкий муносабатлар масаласидир. Тоталитар тузумдан бизга мерос бўлиб қолган умумий хўжасизлик кайфиятини келтириб чиқарувчи «мулк ҳеч кимники эмас, давлатники», — деган ақидадан воз кечиб, мулкни оқилона хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш вазифасини Президентимиз кўрсатмаларига ҳамда қабул қилинган Қонунларга биноан амалга оширмай туриб, кўзлаган мақсадга эришиб бўлмаслигини ҳаёт кўрсатмоқда. Вилоятда ҳозиргача 125 та давлат хўжалиги ширкат ва жамоа хўжаликларига, 120 та давлат фермалари ёпиқ шаклдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. 2,5 минг-та деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил қилиниб, уларга 25 минг гектар ер майдони ажратиб берилди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Президентимиз вилоят фаоллари билан учрашганда «давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим» деган иккинчи қоидага яиада урғу бериб, ислоҳот тақдирини иккинчи даражали раҳбарлар қўлига топшириб бўлмаслигини, унинг натижаси ҳам, мағлубияти ҳам биринчи раҳбарга боғлиқ эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ислоҳотни ҳоким ёки корхона раҳбари ўзининг ўринбосарига топшириб қўйса, раҳбарлар хўжалик ишлари билан ўралашиб қолса, ўтказилаётган жараёнга жиддий зиён етиши мумкин. Чунки ислоҳот ҳаётимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий соҳаларини қамраб олган. Ана шундай шароитда ислоҳотлар бошида фақат биринчи раҳбар турмоғи лозим. Президентимизнинг вилоятимиз фаоллари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган асосий хулосалардан бири ҳам мана шудир.

Айни пайтда вилоятда халқ хўжалигининг барча бўғинларида давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозимлиги ҳақидаги қоидага асосланиб, халқимизнинг бунёдкорлик фазилатларига таяниб, кичик ва қўшма корхоналар, ширкатлар ва бошқа хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик турларини ҳар тарафлама ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Ҳозирнинг ўзида вилоятда 121 та хусусий, 69 та ширкат типидаги ва 570 та кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда жами 861 та тадбиркорларнинг 112 таси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, 81 таси аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга, яна 81 таси халқ истеъмол моллари, 269 таси эса қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилишни таъмирлаш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашганлар. Ҳозирги кунда вилоятда қарийб 10 минг киши тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Улар жорий йилнинг биринчи чорагида салкам 400 миллион сўм ялпи даромадга эга бўлдилар. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 7 баравар кўпдир.

Маълумки, Ўзбекистон, шу жумладан, вилоятимиз халқ хўжалигининг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлгани учун ҳам иқтисодий ислоҳотнинг ушбу тармоқда самарали ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Узоқ йиллар давом этган пахта яккаҳокимлиги туфайли аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган қадимий деҳқончилик маданиятидан ҳам маҳрум бўлган эдик. Мустамлака йилларида марказга хомашё керак бўлгани учун барча суғориладиган ерларга пахта эктириб, боғроғларимизни, узумзорларимизни, полиз ва сабзавотчилигимизни, қолаверса, ғаллазорларимизни, ҳатто яйловларимизни йўқ қилишди. Эндиликда қишлоқ хўжалигимизда ўша маданиятни қайта тиклаш, асосий бойлик бўлган ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган, маҳаллий шароитга мос алмашлаб экиш тизимларини жорий қилишга асосий эътибор берилаяпти. Келгуси йили мамлакатимизнинг суғориладиган ерларида ғалла майдонларини 750 минг гектарга етказилиши вилоятимиз ғаллакорлари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Хўжаликларимиз пахта ҳосилдорлигини ошириш эвазига, ялпи маҳсулот ҳажмини камайтирмаган ҳолда, суғориладиган майдонларда пахта-ғалла алмашлаб экиш тизимини жорий қилиб, дон етиштиришни янада кўпайтириш чораларини кўрмоқдалар. Шунингдек, иқтисодий самараси кам бўлган беда майдонларини камайтириш ҳисобидан ҳам суғориладиган ерларда ғалла ва арпа майдонларини келгуси йили 100 минг гектарга етказишни мўлжаллаб қўйдик. Шунда лалми ерлар билан бирга ғалла майдони 303 минг гектарга етади.

Айни чоғда ўтмишдан бизга бир ёқлама хомашё базаси сифатидаги мажруҳ иқтисодиёт, пахта яккаҳокимлиги, раҳбарларимизга юқоридан кўрсатма ва ёрдам кутиб туришга асосланган боқимандалик кайфияти, меҳнаткашларга эса мутелик, қарамликдан келиб чиқувчи «мен кичик одамман, катталар билади» қабилида масъулиятдан ўзини соқит қилиш хислатлари мерос бўлиб қолган эди. Тараққиётимизга кишан, истиқболимиз кушандаси бўлаётган бу иллатлардан ўзимизни соқит қилмасак, ривожланган бозор муносабатларига асосланган соғлом ва бақувват иқтисодиётни яратмасак, олга босишимиз қийинлашаверади.

Президентимиз вилоятимизда бўлганда Ўзбекистонни буюк давлатлар қаторига олиб чиқишда Қашқадарёнинг ўрни ва имкониятлари юксак эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳақиқатдан ҳам вилоятимизнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги, ишбилармон кадрлар тайёрлашдаги ўрни жуда салмоқли. Бу бизни беҳад қувонтириши билан бирга зиммамизга катта масъулият юклайди.

Амир Темурдек буюк инсон яшаган, Улуғбек, Бобур Мирзо каби алломалар «бобо юртим» деб эъзозлаган Қашқадарё республикага ўнлаб истеъдодли олимларни, шоир-ёзувчиларни, ишбилармон кадрларни тарбиялаб берган юрт. Вилоятимизнинг бой тарихи, анъаналари, гўзал урф-одатлари ва қадриятлари бор. Заминимизда бутун жаҳон илм аҳлини қизиқтираётган тарихий ва археологик ёдгорликлар мавжуд. Бу республикамиз тарихининг, маънавий бойликларининг узвий қисмини ташкил этади.

Вилоятимизда Ўзбекистон мустақиллигининг иккинчи йилини тантанали нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кўҳна тарих учун гўё қисқа муддатдек бир зумда ўтиб кетаётган бу икки йил ичида она Ватанимиз мустамлака даврининг 130 йили мобайнида халқимизнинг неча-неча авлодлари дилида армон бўлиб кетган, момоларимиз кўзидан ёш бўлиб оққан, мард йигитларимизнинг қизил қони бўлиб, она заминга тўкилган орзуларнинг қанча-қанчаси ушалди. Келажак эса бундан ҳам нурли бўлади.

БОРИБ КЎРГИН ҚАШҚАДАРЁНИ!

Қашқадарёлик муштарийлар «Халқ сўзи» ҳақида

ЎРГАНИБ ЯШАЙМАН

Раҳмат ЖАЛИЛОВ — Қарши тумани ҳокими:

«Халқ сўзи» рўзномаси ўзининг фаолиятини халқимиз анъаналари, урф-одатлари, оталаримиз меросини ўрганиш, қадриятларимизни тиклаш, она тилимизнинг бой қирраларини оммага етказишдан бошлаган эди. Газетадаги ана шу руҳ, бошланган ишнинг давомийлиги бир ўқувчи сифатида мени қувонтиради.

Ўтган йили «Халқ сўзи» саҳифаларида районимизда тадбиркорлик ҳаракатининг бориши, деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятига оид қатор мақолалар босилди. Пахта режасини бажарганимиз ҳақида ҳам газеталар ўртасида биринчи бўлиб «Халқ сўзи»да мақола берилганди. Газетанинг ҳар бир мақоласини биз табрик сифатида қабул қилган, мамнун бўлган эдик. Тўғри, ишимиз, фаолиятимиз ҳақида айрим танқидий фикрлар ҳам билдирилди, таклифлар ўртага ташланди. Биз бундан заррача хафа бўлганимиз йўқ. Аксинча, ишимизни йўналтириб юборишда фойдаландик, камчиликларимизни сездик, тузатдик.

Яқинда «Халқ сўзи»да «Наҳот яна омочга қайтамиз» сарлавҳали муаммоли мақола босилди. Мақолада қишлоқ кишиси, мутахассис, хўжалик ва туман раҳбарларини ўйлантириб турган масалалар кўтариб чиқилганн билан ҳам қимматли.

Мен ўз иш фаолиятимда газетадан ўрганиб яшайман. Албатта, туманимиз вилоятимиз ҳаётига тааллуқли бўлишидан қатъий назар босилаётган мақолаларнн мунтазам ўқиб, ўзимга хулосалар чиқараман, тажрибаларни иш фаолиятимда қўллайман, бошқаларни ҳам шундай қилишга ундайман. Хуллас, газета мен учун қўлланма, дастур бўлиб қолаётганидан мамнунман.

Газетада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўғаноқ бўлиб турган масалаларни қаламга олган таҳлилли мақолаларни кўпроқ ўқигимиз келади.

ЭСКИСИНИ АСРАЙМИЗ

Абил РАҲИМОВ — Қарши туманидаги Чўли ота номли жамоа-ширкат хўжалиги агроучастка бошлиғи:

Президентимиз Ислом Каримов «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» рисоласида истиқлол мафкурасини яратиш масалаларига зътиборни жалб этиб, бой меросимизга эҳтиёткорлик билан ёндошиш, бойитиш, кўпайтириш лозимлигини уқдириб ўтади.

Кейинги ўн йилликлар давомида қанчадан-қанча салбий ўзгаришлар рўй берди. Улар миллийлигимизга бир мунча путур етказди. Қадриятларимизни камситиб қўйди. Масалан, Москвадан хутор системасини тугатиш ҳақида кўрсатма бўлган пайтда маҳаллий раҳбарлар бунинг оқибатини ўйлаб-нетиб ўтиришгани йўқ. Кичик қишлоқлар йириклашди, эски боғ-роғлар йўқотилди. Энг ачинарлиси қишлоқ кишиларининг чорваси кескин камайд. Буларнинг ҳаммаси танқисликни юзага чиқарди, холос.

Яна бир ислоҳот — ичкиликбозликка қарши кураш кампаниясини олайлик. Яхшигина узум бериб турган узумзор-боғлар тагтомири билан қўпориб ташланди. Бундан ҳам халқ хўжалигига катта путур етказилди. Газетада ана шу масалаларни очиб берадиган мақолалар ёритилса, халқнинг кўнглидаги гаплар кўтариб чиқилса, кейинги авлодларимизнинг ана шундай номаъқулчиликларга йўл қўймаслигининг олдини олган бўламиз.

Айрим хўжаликларда содир бўлаётган иқтисодий қийинчиликларни ҳам очиб берадиган мақолалар ёритилса, бундан мустақиллигимиз учун ҳам фақат манфаат учун ҳам, қишлоқ аҳли келиши турган гап.

МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ

Фармон ОМОНОВ — Халқ демократик партияси вилоят Кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ депутати:

Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умрзоқовнинг «Халқ сўзи» рўзномасида босилган «Истиқлол мафкураси ва кадрлар сиёсати» мақоласида республикамиз тақдирини, мустақиллигимиз тақдирини ҳал қилувчи кадрлар, уларнинг маънавий дунёси, қиёфаси ҳақида, мафкурининг тақдири тўғрисида муфассал фикр юритилган. Том маънода айтиш мумкинки, бу йўналишда амалга ошиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Эндиликда, эскича фикрлаш, иш юритиш билан яшаб, меҳнат қилиб, кўзга кўринарли натижаларга эришиб бўлмайди. Чунки илгари юқоридан тайёр дастурлар, кўрсатмалар асосида иш кўриш билан ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини, бурчини бекаму кўст ўтаган ҳисобланарди. Эндиликда, юқоридан ҳеч қандай кўрсатма, йўл-йўриқ берилмайди. Ҳар бир киши маҳаллий шароитлардан, иш хусусиятларидан келиб чиқиб, вазифага ижодий ёндошиши лозим.

Сирасини айтганда, юқоридан берилган топшириқларни бажаришга одатланган кишилар учун мустақил ишлаш, фикрлаш ҳам мушкул. Лекин мустақиллигимиз талаби шундаки, янгича фикрлаб, янгича ишламас эканмиз, тараққиётга эриша олмаймиз. Бунинг учун ўқиб, ўрганиб, иш юритишнинг жаҳондаги илғор тажрибаларини жорий этиш мустақиллигимиз мафкурасининг бош омилини ташкил этади. Бу ўринда газета, хусусан «Халқ сўзи» рўзномаси катта тадбирларни амалга ошириши, мустақиллик мафкурасини шакллантиришда олдинги сафларда бўлиши керак.

Рўзномада бу ҳақда турли мақолалар берилишини, олимлар, давлат арбобларининг баҳсли чиқишларини ўқишни истаймиз.

ТАНҚИДНИНГ ТАҚДИРИ

Ҳамро ЭШОНҚУЛОВ — Бешкент шаҳар маҳалла қўмитаси раиси:

Кейинги пайтда Президент Фармонига кўра маҳалла жамғармалари ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Эндиликда, ана шунга кўра, ўз муҳримизга, давлат банкида ҳисобимизга эга бўлдик. Ҳар қолда маҳалла ҳам жамоат ташкилоти сифатида шакланмоқда. Республика газеталари орасида «Халқ сўзи» мана шу масалаларга катта эътибор берди, муаммолар кўтарилган мақолалар ёритилди.

Аҳоли учун энг яқини — маҳалла. Маҳалла ҳар бир кишининг ташвишу қувончларига шерик. Демак, маҳаллани кучайтириш, унинг моддий манбасини ошириш даркор. Тоғи, ҳар бир ҳожатбарор, муҳтож киши маҳалланинг мададидан миннатдор бўлсин, мушкули осонлашсин. Бу ўринда ҳам газетанинг ёрдамига муҳтожмиз.

Газетада ҳуқуқий масалаларга кенг ўрин берилаяпти, жиноятчиларнинг ҳақиқий башараси очиб ташланмоқда, ҳуқуқий давлатнинг қандай бўлиши, фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш масалалари ёритилмоқда. Лекин газетада кўтарилган айрим масалаларнинг тақдири беиз кетяпти. Жиноятчиларнинг қандай жазо олганлари ҳам берилса, аҳолининг кўнгли ёришади, холос. Аслида, қанча ташмачилик, олғирнинг ушлангани ҳақида ҳисоботдан не наф?

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДИ

Сойиб УСМОНОВ — вилоят фахрийлар кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ депутати:

«Халқ сўзи» рўзномаси мустақиллигимиз арафасида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан ташкил топган эди. Шунинг учун ҳам биз бу газетани ҳақли равишда истиқлолимиз фарзанди, деймиз.

Рўзномада Президентимиз фармонлари, расмий ҳужжатлар, Олий Кенгаш сессиялари ва сессияларда қабул қилинган қонунлар, уларнинг бажарилишнинг доимий равишда ёритиб борилиши туфайли у депутатлар, қишлоқ ва туман, вилоят кенгашларининг энг яқин ҳамроҳига, маслаҳатчисига айланиб қолди.

Албатта, турмушнинг барча жабҳасини қамраб олиш қийин. Бироқ, сизнинг газетангиз ҳокимлик ва кенгашлар фаолияти, иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини тўлароқ ёритиб бормоғи шарт.

Узук кўзидаги жавоҳир

Озод ПАРМАНОВ — Китоб тумани ҳокими

Китоб тумани — тарихий жой. Унинг дилбар инсонлари ниҳоятда ҳалол ва меҳнаткаш, ориятли ва шижоатли. Афсуски, китобликлар иқтисодий жиҳатдан вилоятдаги бошқа туман аҳолисига қараганда анча қийинчиликка дуч келиб турибдилар.

Магар Ўзбекистон собиқ Иттифоқнинг хомашё майдони бўлган эса, Китоб ҳам узоқ вақт ана шундай майдонча бўлиб келди. Етиштирамиз, тайёрлаймиз, аммо ҳузурини бошқа корхоналар кўради. Майизнинг килоси бозорда фалон пул, биз эса узумни 5 сўм атрофида сотамиз. Ёки ичимликларни олинг. Китобнинг ширин-шарбат узумидан тайёрланадиган вино французларнинг машҳур Бургундисида ҳам бўлмаса керак.

Биз ҳисоб-китоб қилиб чиқдик, бироқ қувонтирадиган манзара ҳосил бўлмади. Зеро, туман аҳолиси 156 минг кишидан ошиқ, бунинг устига аҳоли йилига ўртача 6—6,5 минг кишига кўпайиб бораётир. Бир чумчуқ учун ҳам сув, ҳам дон керак. Шундай хўжаликлар бўлдики, 150 минг сўм заҳира пули йўқ. Бу пулни айрим олғирлар бир ресторан сарфига бағишлайдилар. Аҳволни шундан тасаввур қилиш мумкин.

Биз, асосан, мева-сабзавот етиштирамиз. Сархил узумлар, олмаю анорлар... Варганза анорнинг шуҳрати бир пайтлар жаҳонни тутган десам, хато бўлмас. Узумзорларимиз йилданйилга кенгайиб бораётир. Масалан, 1982 йилда умумий майдон 1211 таноб бўлган бўлса, бултур бу кўрсаткич 2682 танобга чиқди. Олинадиган ҳосил ҳам шунга боғлиқ равишда ортди, албатта. Жумладан, 1982 йилда 7547 тонна ҳосил олинган бўлса, ўтган йил 28181 тоннага етказилди. Туман тоғолди иқлимида жойлашган. Бунинг ўзига яраша айрича ташвишлари бор. Пахта майдонлари қарийб теиг ярмига қисқариб, 8800 танобдан 4200 танобга келган. Китобликлар ҳозирча 12,5 минг тонна пахта етиштираётирлар. Иқтисодчиларнинг режасига кўра, бизда 5—10 йил шу мутаносиблик сақлаб турилса, яъни пахта ва сабзавотга ажратилган ер ҳозирги даражасида қолдирилиб, аксинча, мевали боғ ва узумзорлар кўпайтириб борилса, яқин бир-икки йил ичида туман ўз қаддини рослаб олиши тайин гап.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳам кун тартибида турибди. Ҳозир мавжуд ерлар, токзорлар, мевазор боғлардан ҳосилдорликни қай ҳолатда, қандай йўсинда ошириш кераклиги асосий муаммомиз. Биз кеча-кундуз шу ҳақда ўйлаймиз, уни ижобий ҳал қилиш учун хўжалик юритишнинг янги усул ва тажрибаларига қатъият билан амал қилмоқдамиз. Чунончи, «Зарафшон», «Қишлик», Ш. Умаров номли давлат хўжаликлари ижара хўжаликнга айлантирилди. Мевали боғлар, узумзорлар миришкор оилаларга ижарага бўлиб берилди. Шартнома асосида маҳсулот етиштириш йўлга қўйиляпти. Ҳозир бу хўжаликларда бўлсангиз, яшилликдан кўз яйрайди. Боғлар чинакам эгаларинн топган, ортиқча шох-шабба йўқ, ерлар дид билан ишланган. Китобликларнинг деҳқончилик маданиятига тан бермай илож йўқ. Бу қадимий, қўҳна манзилда асрлар оша шакллланган, қонга синган миришкорлик самараси, албатта.

Китоб сояки майизи... Таърифига сўз топилмайди. Бир вақтлар чил тешик, баланд, баҳаво тоқиларда қуритилган сояки майизлар бир қарасанг ферузадек товланар, бир қарасанг олтинранг жило бериб, дилни яйратар эди. Элимизда бундай майиз ижодкори бўлган соҳибкорлар кўп, уларнинг хоҳиш-иродаси билан Паландара, Кўсам, Севаз ва Охунбобоев хўжаликларида сояки майиз етиштиришни, уни қадимий Китоб усулида тайёрлашни йўлга қўйишни маслаҳатлашиб олдик. Анорзорларимизни ҳам кенгайтирамиз. 13 хўжаликда анорзорларни қарийб 3—5 баравар оширамиз. Шунда биз 1,5 минг тонна ўрнига 3—4 минг тонна ҳосил оладиган бўлиб қоламиз.

Дардларимиз ҳам йўқ эмас. Биз китобликларнинг муддаомиз — бизни ҳомашё гумашталигидан қутқазиш, деб биламиз. Бунинг учун туманимиз ҳудудидаги Равотмиш, Қайнар, Ҳайрабод шаробчилик тармоқларини улар жойлашган хўжаликларнинг ихтиёрига топшириш зарур. Токи, бу хўжаликлар узумни эмас, ундан олинадигаи тайёр маҳсулотларнн сотиш имконига эга бўлсин. Шунда наф ҳозиргидан 5—10 марта ошиб кетади. Бу эса усти бутлик, қорни тўқликнинг асосий шартидир. Ҳозир, очиғи, номимиз улуғ, супрамнз куруқ. Боғбон, миришкор деган отимиз бор-у, дастурхонимизда майиз, мева кам. Шунингдек, хўжаликлар ҳисобига қоладиган узум ва бўлак маҳсулотлар миқдорини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим бўлади.

Китобнинг серҳосил ерлари яқин орада халқимизнинг дастурхонини сархил узумларга, мева-чеваларга, сояки-ю олма-анорларга тўлатади. Китоб Қашқа воҳасининг эмас, Ўзбекистоннинг жавоҳири бўлиб қолиши керак. Уннг бепоён тоғ ёнбағирлари, адирлари ризқ-рўз манбаидир. Дараларнинг тоза ҳавоси, тиниқ булоқлар минг дардга даво бўлар кунлар узоқ эмас. Яхши ниятларимиз ҳамиша ўзимизга эш бўлсин.

Дурдона юрт

Еввойи ҳайвонлардан: бўри, тулки, қашқалдоқ, Ҳисор айиғи, қоплон, силовсин, сўғур, тўнғиз; қушлардан: сайроқи ва гўзал ҳилол, каклик, бургут, тус бисёр.

Вилоятнинг тоғ қисмида Ҳисор давлат қўриқхонаси ва Мироқи заказниги ташкил этилган бўлиб, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси асраб-авайлаб сақланади, кўпайтирилади, илмий изланишлар олиб борилади. Ҳисор тоғлари бағрида, машҳур Амир Темур ғорига бориладиган тоғ тизмаларида дунёда яккаю-ягона қадимги гигант ҳайвонлардан динозавр излари сақланиб қолган.

Қашқа воҳаси қадимий ёдгорликларга бой ўлка. 1946—1948 йилларда Кожартепа, Мўйдинтепа ва Ерқўрғон шаҳар харобаларида қазишмалар олиб борилди, 70 га яқин ёдгорлик топилди. Ҳазрати Башир қишлоғи яқинидаги ғордан полеолит даврида яшаган одамларнинг излари, уларнинг яшаш тарзига оид ашёлар топилди.

Вилоятда 60 дан ортиқ йирик қадимий ёдгорликлар мавжуд. Амир Темур ва бошқа алломалар шаҳси билан боғлиқ ёдгорликлар бор. Фирдавсийнинг «Шоҳномаси»да қаламга олинган тепа ҳам Қарши шаҳри яқинида.

Дунёдаги тўртта кенглик станциясининг бири Китоб шаҳри яқинида жойлашган бўлиб, машҳур мунажжим Мирзо Улуғбек номи билан аталади.

Вилоятда ўлкашунослик музейи, 471 кинотеатр, 593 кутубхоналар ишлаб турибди. 18 номда рўзномалар чоп этилади.

Толлимаржон ГРЭСи Марказий Осиёда энг йирик корхона — 3,2 миллиард киловатт соат қувват ҳосил қилиб бериш имкониятларига эга бўлади.

Шўртанг газ кони ҳар йили 30 млрд. кубометр қимматбаҳо ёқилғи етказиб бераяпти.

Кўкдумалоқ — йилига 5,5 миллион тонна нефть, бир миллион тонна конденсат, 1,2 млрд. куб метр газ бера бошлайди (1994 й.).

Муборак газ-олтингугурт заводи йилига 25 млрд. куб метр газни тозалаб беради. Газ, олтингугурт етказиб беришда бебаҳо.

1992 ЙИЛДА

Вилоятда 17,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари, 5,8 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 5,8 миллиард сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. 515 минг квадратметр уй-жой, 13 минг ўқувчи ўринли мактаблар, 1900 ўринли болалар боғчалари, 247 ўринли касалхоналар қурилди.

2405 фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларга 25 минг гектар ер ажратилди.

Вилоят бўйича 400 минг тонна дон, 500 минг тонна пахта, 125 минг тонна сабзавот, 52,2 минг тонна қовун-тарвуз, 6,5 минг тонна картошка, 31,8 минг тонна мева, 31,4 минг тонна узум, 19,6 минг тонна гўшт, 77,7 минг тонна сут, 2606 тонна пилла, 258 минг дона қиммат баҳо қоракўл тери, 44,5 миллион дона тухум, 8,7 минг центнер жун етказиб берилди.

1993 ЙИЛДА

Вилоят қишлоқ хўжалиги меҳнат аҳли 500 минг тонна пахта, 500 минг тонна дон, 130 минг тонна сабзавот, 50 минг тонна полиз маҳсулотлари, 30 минг тонна сут, 66,7 миллион дона тухум, 250 минг дона қоракўл тери, 8 минг центнер жун, 15 минг тонна картошка етиштиришни режалаштириб олганлар. Шу кунгача қарийб 2600 тонна пилла, 260 минг донага яқин қоракўл тери топширилди

ДАЛАЛАР ОҒУШИДА

ҚАРШИ

Ёзнинг иссиқ тафтн юзларга урилади. Кўпдан буён нигоҳларимиз етишолмаган уфқларга термулиб, кўнгиллар енгил тортади. Руҳимизда алланечук ҳаяжон ҳукмрон. Пахтазорларда кўм-кўк ниҳоллар ёз гармселида чайқалади.

Машинамизни Қарши районининг «Истиқбол» жамият-ширкат хўжалигига қарашли Эшонқул Боймуродов бошчилик қилаётган бригадаси даласи четида тўхтатдик. Барқ уриб ўсаётган ғўза пайкаллари оралаб бригадир билан суҳбатлашдик.

— 50 гектар ерга чигит қадаб баҳоли қудрат меҳнат қилаяпмиз. Ғўзаларимизнинг авжи ёмон эмас, — дейди Эшонқул ака. — Баҳорда уч марта кучли дўл бўлди. Кекса деҳқонларимизнинг маслаҳатларига асосланиб, униб чиққан ғўза ниҳолларининг аксарият қисмини сақлаб қолишга эришдик.

— Юқоридан маслаҳатлар ҳам бўлдими? Масалан, раҳбарларнинг буйруқнома тавсиялари дегандек... — сўраймиз бригадирдан.

— Қаерда, дейсиз. Ҳозирги раҳбарлар, «ундоқ қил, бундоқ қил», деб ҳудабехуда буйруқ беришавермайди. Ўзимиз тажрибаларимизга суянамиз, йилннинг келишига қараб хулоса чиқарамиз. Ҳар қалай кузги ҳосил ёмон бўлмаса керак...

Бригада аъзолари гектаридан 33 центнердан ҳосил олишни чамалаб меҳнат қилишаётган экан. Айниқса, механизаторлар — Анвар Эшонқулов, Нормамат Эрназаров, сувчнлар — Тоир Тошев, Парда Раҳматов, ғайрат қилиб ишлашаяпти.

Туманнинг Юсуф Хушвақтов номли жамоа—шнркат хўжалигида бошқаришнинг янгича, самарали тизимлари жорий қилинаётган экан. Масалан, хўжалик таркибида «Чорвадор» номли акционерлик жамияти тузилибди. Шу йил апрель ойида Абдулла Жалилов бошлиқ бир гуруҳ чорвадорлар мулкни хусусийлаштириш мақсадида хўжаликнинг чорвачилик фермасини сотиб олиш режаси билан чиқишган эканлар. Уларнинг ташаббусини хўжалик ва туман раҳбарлари қўллаб-қувватлабди. Натижада, чорвадорлардан 48 киши 750 бош қорамол ферма биноларини 10 йил муддатга 43 миллион сўм тўлаш шарти билан сотиб олишибди.

Биз хусусийлаштиришнинг самарали томоиларини яқ қол кўрдик. Масалан, ўтган йили май ойида ферма 184 минг сўм зарар кўрган бўлса, бу йил июнь ойида 111 минг сўм соф фойда олинди. Чорвадорларда мулкка бўлган муносабат ҳам кескин ўзгарибди. Буни тушуниш қийин эмас, илгари давлатнинг чорвасини боққан чўпон, энди ўзиинг шахсий молига қарагандек меҳнат қилмоқда.

Эллик фоиз маҳсулотни эркин нархда сотаяпмиз, — дейди жамият раиси Абдулла Жалилов. Иқтисод қилишни ҳам ўрганаяпмиз. Учта тракторнинг ўрнига битта ишлатаяпмиз. Ҳашаклар ҳисоб-китоби қатъий тартибга солинган.

— Ем-хашакни қаердан оляпсизлар? — сўрадик раисдан.

Жамоа-ширкат хўжалигидан шартнома асосида сотиб олаяпмиз. Ҳар қалай раҳбарият билан, туман ҳокимлиги билан муносабатимиз жуда яхши. Улар бизга билмаганимизни ўргатишаяпти, қийналсак ёрдам қилишаяпти. Йил охирида соф фойданинг 50 фоизини аъзоларимизга мукофот тариқасида тарқатамиз. Келгусида ўзимиз сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичикроқ корхона қуришни режалаштирганмиз. Ҳозир ҳар бош соғин сигирдан 2200 литрдан сут соғиб олаётган бўлсак, иккн йилдан сўнг бу кўрсаткич 4000 литрга етади. Бу борада натижалар ҳозирданоқ кўзга ташланаяпти. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан кунига 6 литрдан сут соғиб олинган бўлса, ҳозир 10—12 литрни ташкил қилмоқда.

Қадимгилар, «Ким чорванинг туёғидан қаттиқ бўлса, чорвадор бўлади», деб беҳуда айтишмаган. Ҳар қалай, катта заҳматни елкасига олиб, меҳнат қилаётган одамларга раҳбарлар кенг йўл бериб қўйган экан, буни қувватлаш керак.

Қарши туманидаги Чўли ота номли жамоа—ижара хўжалигининг Дониёр Мелиев бошлиқ пахтачилик бригадаси дала шийпонида район ва хўжаликнинг меҳнаткашлари билан учрашув ўтказдик. Районда бугун олиб борилаётган ишлардан, «Халқ сўзи»нинг фаолиятидан, келгуси режалардан гап кетган мазкур учрашув ғоят қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Мезбоилар бизга ўз истакларини, таклифларини очиқ ойдин билдиришди. Кўплаб саволлар билан мурожаат қилишди. Мулоқот давомида меҳнаткашларда сиёсий ва иқтисодий онг нақадар ўсганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар мустақиллик самараларига ўлкан эҳтиром билан фикрларини баён қилишар эдики, бу ватанпарварлик туйғуларининг нақадар ёрқин эканлигидан далолат берарди. Биз билан учрашиб, қизғин мунозаралар ўтказаётган мезбонларнинг мазкур тадбирни ташкил қилишининг ўзи наинки «Халқ сўзи»га, балки маърифатга бўлгаи катта ҳурматларидан, деб ўйлаймиз. Жумладан учрашув қатнашчиларининг айрим фикр-мулоҳазаларини келтирмоқчимиз.

Полвон ТЎЛИЕВ, туман «Истиқбол» газетасининг муҳаррири:

— Газета халқ минбари, деган ибора бор. Шундай экан, муаллифларнинг мақолаларидан кўпроқ фойдаланилса, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар руҳияққолроқ акс этади. Газетанинг чет эл мухбирлари бўлиши ҳақида ҳам бизга аниқрок маълумот бераверсангизлар...

Дилором АЗИЗОВА, туман хотин-қизлар кенгаши раиси:

— «Халқ сўзи» саҳифаларида хотин-қизлар фаолиятига кўпроқ ўрин беришларингизни истардик. Ўзбекистонда қанчадан-қанча серфарзанд аёлларимиз бор, уларнинг турмуш тараи, ижтимоий аҳволи ҳақида қизиқарли мақолалар жуда кам. Тўғри, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида давлатимиз олиб бораётган сиёсатнинг кўп қирралари яхши ёритиляпти, буни инкор этмаймиз...

Мустақим УМАРОВА, Зебуннисо номли ўрта мактаб директори:

— Ҳукуматимиз соғлом авлод учун қўлидан келган барча ишларни амалга ошираяпти. Келгуси авлоднинг камолотида мактаб ва мактабгача тарбия муҳим роль ўйнайди. Истагим — газета келажакда мазкур соҳани ҳам унутиб қўймаса. Мактабларимизнинг аҳволи, фидойи ўқитувчилар, ҳақида ёзиш керак...

Учрашувда жуда кўп таклифлар, истаклар билдирилди, биз уларнинг ҳаммасини ёзиб олдик, насиб бўлса келгусида мазкур учрашув аҳлидан тушган мулоҳазаларни ўз ишимизга жорий қилиб борамиз.

Йиғилганлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жуманиёз Жабборов ва шоир Азим Суюннинг Ватан ва халқни улуғловчи шеърларидан эшитишди. Хушовоз хонанда Ҳақберди Амирқулов ва бошқа санъаткорлар ўзларининг куй ва қўшиқлари билан тўпланганларни хушнуд этдилар.

Сафар чоғида бизга ҳамроҳлик қилган Қашқадарё вилоят ҳокимининг муовини Раим Раҳмонов мазкур учрашув сўнггида ташрифимиз меҳнаткашлар билан газетанинг муносабатини янада яхшилашини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир вилоят бўйича «Халқ сўзи»нинг 12 мингдан ортиқ муштарийси бор. Келгусида халқимизнинг ўй-ташвишини газетамиз саҳифаларида янада кўпроқ ёритиб боришни дилимизга тугиб, мезбонлар билан хайрлашдик.

ТАКЛИФ ЮЗТА, ИСТАК ЮЗ БИТТА

НИШОН

Чўли Бегимқулов номини нафақат Нишон туманида, балки бутун Қашқадарёда каттаю кичик ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Сабаби— у умрининг охиригача эл бахт-саодати йўлида сидқидил меҳнат қилди, юртнинг гуллаб-яшнашига баҳоли қудрат ҳисса қўшди. Айни кунларда вилоятдаги энг йирик жамоа-ижара хўжалиги отанинг табаррук номи билан аталаднки, бу воҳа аҳлнинг унга бўлган иззат-икромию муҳаббатининг рамзидир.

...Мазкур хўжаликка қарашли Намоз Ўлжаев бошлиқ бригаданинг хушҳаво ва кўркам шийпонида, Нишон, Касби, Усмон Юсупов, Ғузор туманларидан келган фаоллару депутатлар, хўжалик раҳбарларию меҳнаткашлар вакиллари, муштарийлару қизиқувчилар билан навбатдаги ошкора мулоқот бўлди. Учрашувда газета бош муҳаррири Анвар Жўрабоев нжодий жамоа амалга ошираётган тадбирлар на келгуси режалар ҳақида ўртоқлашди. Шундан кейин Нишон тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби, Ҳайитмурод Фармонов меҳнат аҳли рўёбга чиқараётган ишлар хусусида ахборот берди.

— Ву йил нишонликлар 54.800 тонна пахта, 19.000 тонна дон, 10.000 тонна сабзавот ва 9.000 тонна полиз маҳсулотлари, 1.850 тонна гўшт, 4.850 тонна сут, ҳамда 15 минг дона қоракўл тери топширишга аҳд қилишган. Бу режалар, албатта, уддаланади. Дала меҳнаткашларнинг саъй-ҳаракатлари айни шундан далолат бермоқда. Улар Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг қишлоқ хўжалиги ходимларига кўрсатаётган ғамхўрликларига жавобан астойдил меҳнат қилиб, мустақил республика иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшаётирлар.

Бир неча соат давом этган учрашув мобайнида фикрлар юзага чиқди, ҳаётий муҳим таклифлару ўтқир мулоҳазалар ўртага ташланди. Жумладан, халқ депутатлари Нишон қишлоқ кенгашининг раиси И. Шерғозиев шундай деди:

— Халқ ноиблари сайловчиларнинг ишончини оқлаш, уларнинг наказларини бажариш йўлида тинмай изланмоқда. Бироқ депутатлар орасида ўз зиммасидаги вазифаларни охиргача етказа олмаётганликлари ҳам учраб турибдики, бундан кўз юмиб бўлмайди. Бунинг сабаби нимада? Шулар ҳақида, илғор тажрибалар хусусида «Халқ сўзи» саҳифаларида кўпроқ мақолалар берилса.

Биз икки кун мобайнида Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Қарши, Нишон, Ғузор ва Китоб районларида бўлдик. Қаерда бўлмайлик, яратувчилик ишлари билан яқиндан танишдик, дарду қувончларига, истагу тилакларига қулоқ тутдик. Муштарийларнинг рўзномамизга бўлган муносабатларини ўргандик. Мақсадимиз ҳам худди шу эди. Зеро, фақат кенг омманинг иштирокигина матбуот таъсирчанлигини оширади, қамров қўламини кенгайтиради, ахборотлар дунёсини бойитади. Бунинг нишонаси ўлароқ, юқорида вилоят меҳнаткашлари ҳаётига оид айрим мақолаларни эътиборингизга ҳавола этдик. Қолганига — қарздормиз.

Анвар ЖЎРАБОЕВ,
Пўлат ГАДОЕВ,
Икром УТБОСАРОВ,
Тоҳир ДОЛИ,
Ҳаким САТТОРИЙ,
«Халқ сўзи» рўзномасининг махсус мухбирлари.

Ёшлар мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлиши учун қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йили вилоят марказларида катта умид билан университетлар очилган, лекин бизнинг бу ишимиз кимларгадир ёқмаган, танқидий фикрлар ҳам айтилган эди. Ву ҳол, хусусан, мутахассисларнинг савиясига салбий таъсир қилади, дейишган эди. Йўқ, ундай бўлмади, ишимизнинг ижобий натижалари кўриниб қолди. Чунки университет бор жойда маънавий ҳаёт бошқача бўлади, илмий изланишлар жонланади. Энди биз уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаша, ўқитувчи ва профессорларнинг билим даражасини оширишга кўмаклашишимиз лозим. Демак, вилоят марказларидаги университетлар фаолиятини кучайтириш дастурини ишлаб чиқиб, у ердаги муҳитни янада жонлантириш, уларга ҳукумат ҳисобидан ёрдам бериш зарур.

Профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга тажриба алмашиш, илмий алоқа ўрнатиш учун юбориб туриш лозим. Албатта, ҳаммани бирдан юбориб бўлмайди, эҳтиёжни ўрганишимиз, ким нимага қодирлигини билишимиз, шунга қараб тартиб ўрнатишимиз керак бўлади. Хуллас, ниятларимиз катта, амалга ошириладиган режалар кўп.

Илм-зиё салоҳияти, бу — халқнинг, ватаннинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир, дея таъкидлади Президент. Уни ривожлантиришда, етук мутахассисларни тарбиялашда давлат имкони бўлган ҳамма ишни қилади, ҳеч нарсани аямайди.

Иқтисодий муаммолар эртами-кечми ҳал этилади, лекин илмий бойлигини қадрламаган, унинг тараққиёти учун қайғурмаган давлатнинг келажаги бўлмайди. Буни биз доимо ёдда тутмоғимиз шарт!

Биз қабул имтиҳонлари, тест усули баҳонасида бошқа кўпгина муаммолар ҳақида фикрлашиб олдик, деди Президент пировардида. Тест масаласига келганда, унга оқ фотиҳа беришимиз, бу усулни такомиллаштиришимиз даркор.

Энг муҳими шуки, янги жамиятнинг оёққа туришида, истиқлол ворисларини тарбиялашда, қабул ва ўқув жараёнларини ривожлантиришда, холислик ва адолат қарор топишида сизларнинг муҳим ўрнингиз бор, ҳурматли мураббийлар. Ўйлайманки, жаҳонга юз тутаётган, обрўси кундан-кун ортиб бораётган она Ватанимиз равнақида, ҳар соҳада узоққа мўлжалланган снёсатимиз амалга ошишида бизга мададкор бўласиз.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев абитурнентларни тест усулида танлаб олиш ҳақида, абитуриентларни танлаш бўйича республика марказининг директори М. Қурбонов тест синовларини ташкил этиш тўғрисида гапирди.

Олий ўқув юртларининг ректорлари, мутасадди вазирликларнинг раҳбарлари муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр билдиришди.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари С. Саидқосимов, Т. Рисқиев иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун ҳисоб-китобларнинг контракт (шартнома) тизимига ўтиш тўғрисида»ги қарорига

Шарҳ

Сўнгги пайтда республикада иқтисодиётнинг барча тармоқларида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишни таъминлайдиган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш борасидаги ишлар анча кучайди. Республика аҳолисини, айниқса унинг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш бозор муносабатларига ўтишнинг асосий мезонларидан биридир.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш ана шундай чора-тадбирлардан биридир. Квартираларга қўйилаётган нархлар аҳолининг кенг табақалари учун мақбул даражададир, шу сабабли давлат уй-жойни фондининг 80 фоиздан кўпроғи фуқароларга мулк қилиб берилди. Шундан бир фоиздан камроғигина квартира баҳосини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинди. Чунончи, амалдаги нархларга кўра қиймати 2 миллион сўмдан кўпроқ турса-да, фуқаролар учун битта квартиранинг ўртача қиймати 8,2 минг сўмга тўғри келди .

Уй-жой фондининг катта қисми хусусийлаштирилиб, фуқароларнинг мулкига айлантирилган ҳозирги шароитда унга хизмат кўрсатиш тизими, уй-жойларни сақлаш, фойдаланиш шартлари қандай бўлади, уй-жой эгалари билан уй-жой фондига хизмат кўрсатиш бўлинмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қандай асосга қурилиши керак, деган савол туғилади.

Давлат уй-жой фондини асраш, ундан фойдаланиш билан уй-жой — коммунал хўжалик ташкилотлари шуғулланади. Уларнинг фаолияти тўлатўкис давлат бюджети ҳисобидан пул билан таъминланиб келинган эди ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Уй-жой фондидан фойдаланишга, инженерлик ускуналарини ва умумий фойдаланиш жойларини таъмирлашга сарфланаётган маблағнинг 99,7 фоизини давлат бермоқда. Бу ҳаражатлар йилига 15,7 миллиард сўмни ташкил этмоқда коммунал хизмат кўрсатишга (иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлашга) берилаётган ёрдам 97 фоизни ёки 56,6 миллиард сўмни ташкил этаяпти.

Яқинда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармон ва мазкур қарор уй-жой-коммунал тармоқни тубдан қайта қуришни, унинг бозор иқтисодиётига аста-секин ўтишини, ҳамда уй эгалари ва уй-жойни ижарага олганлар билан республика коммунал хизмат кўрсатиш бўлинмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўзгартиришни кўзда тутади.

Бу ишга ҳисоб-китоб қилишнинг контракт тизими асос қилиб олинади. Бу тизим бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Мазкур муаммога доир ҳужжатларни тайёрлаш чоғида ушбу тажриба ҳар томонлама ўрганилди. Бунинг маъноси шуки, уй эгалари ва уй-жойни ижарага олувчилар билан ҳудудий коммунал — уй-жойлардан фойдаланиш бирлашмалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тузилган контракт (шартнома) асосига қурилади. Контракт ҳар иккала томоннинг вазифаларини, яъни ҳисоб-китоб қилишнинг янги шароитида тегишлича хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ташкилотнинг, шунингдек, уй эгасининг, уй-жойни ижарага олган шахснинг ҳам вазифаларини кўзда тутади.

Уй-жой фондини асраш ва унга хизмат кўрсатишнинг нархлари ва тарифлари Коммунал хизмат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган услубиятга мувофиқ белгиланади. Умумий майдоннинг ҳар бир квадрат метри учун тўланадиган ҳақ уй-жой фондининг пухталиги ва ободлиги даражасига, унинг қайси тоифадаги уйлар қаторига киришига, қулайликларнинг мавжудлигига, хизмат кўрсатиш сифатига қараб белгиланади.

Шартнома тузиш асосан 1993 йил 1 ноябргача тугалланиши лозим. Бу эса Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, уларнинг жойлардаги ҳудудий органларидан, шунингдек, тегишли ҳокимликлардан катта тушунтириш ва ташкилотчилик ишини талаб қилади.

Вазирлар Маҳкамеси қабул қилган қарорнинг асосий мақсади ҳисоб-китоб қилишнинг янги тизимига аста-секин ўтишни таъминлашдан иборат. Бу тизим уй-жой фондини асраш ва ундан фойдаланишнинг меъёрий (амалдаги) ҳаражатларини бюджет маблағи, шунингдек, уй эгаси ва ижарачи маблағи ҳисобидан қоплашни кўзда тутади. Масалан, 1993 йилда маҳаллий ҳокимият идораларига қарашли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уни асрашнинг амалдаги ҳаражатларининг 70 фоизи бюджет ҳисобидан тўланади ва кейинчалик бюджетдан бериладиган ёрдам миқдори ҳар йили ўн фоиз камайтириб борилади. Ҳаражатларнинг қолган қисмини уй-жой эгалари тўлайдилар.

Ҳисоб-китоб қилишнинг янги тизимига ўтиш зарурати яна шу билан боғлиқки, ана шу мақсадларга қилинаётган ҳаражатлар бир неча ўн баравар ошганига қарамай, ҳақ тўлашнинг мавжуд тизими кўп йиллар давомида ўзгармай қолаверди. Масалан, саҳни 28 квадрат метрдан иборат икки хонали квартира инженерлик ускуналарини сақлаб туриш, ундан фойдаланиш ва таъмирлаш учун бир ойлик ҳаражатлар ҳозир давлатга 1708 сўмга тушмоқда, квартирани ижарага олган фуқаро эса атиги 5,5 сўмни ёки 0,3 фоизини тўламоқда. Ҳисоб-китоб қилишнинг янги тизимига ўтиш аҳолининг , оилавий бюджетига кескин таъсир қилмаслиги учун давлат томонидан тўланадиган пул аста-секин камайтирилиб борилади.

Мазкур қарорга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари учун бюджет манбалари ҳамда бирлашма, корхона ва ташкилот маблағи ҳисобидан квартира ҳақи тўлашдаги ҳозир амал қилиб турган имтиёзлар сақланиб қолишини таъкидлаш зарур. Бундан ташқари, Меҳнат вазирлигига республиканинг бошқа бир қанча вазирликлари ва идоралари билан биргаликда уй-жойларга хизмат кўрсатиш қийматини тўлаш учун компенсация сифатида кўп болали ва муҳтож оилаларга пул нафақалари тўлаш тартиби тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш топширилди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, ана шу мақсадларга шу йилнинг охиригача бюджетдан салкам бир миллиард сўм ажратишга тўғри келади.

Мазкур чора-тадбирлар хусусийлаштирилган уй-жойга хизмат кўрсатишнинг янги тизимига босқичма-босқич ўтишни таъминлаши лозим.

• *Шоҳмот*

СОВРИНЛАР КАТТА БЎЛАДИ

ҚАРШИДА Р. Ғойибов хотирасига бағишланиб ўтказилаётган шоҳмот турнири ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистоннинг икки карра чемпиони чирчиқлик Сайдали Йўлдошев бухоролик шоҳмотчи Сергей Нодирхонов билан 10 имкониятдан 7,5 тадан очко жамғаришиб, биринчи иккичи ўринларни ўзаро баҳам кўришди. Турнир бошланишидан пешқадамликни қўлга киритган самарқандлик халқаро миқёсдаги спорт устаси Тоҳир Воҳидов мусобақа сўнггига 7 очко билан етиб келди. Натижада у учинчи ўринни эгаллади.

Ушбу турнирда спорт усталигига номзод шоҳмотчи Ражабов 10 имкониятдан 6 очко тўплаб, спорт усталиги нормасини бажарди.

Мусобақа жуда кўтаринки руҳда ўтди. Бунда, албатта, турнир ҳомийларининг ўзига хос меҳнати бор. Ҳомийларни эслатиб ўтамиз: Қарши қурилиш бирлашмаси, Қарши тажриба-таъмирлаш механика заводи, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси, Р. Ғойибов номли давлат ширкати, «Ишонч» фирмаси. Ҳомийлар таркибининг кенглигидан кўриниб турибдики совринлар ҳам шунга яраша катта бўлди.

ФУТБОЛ

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

МАЪЛУМКИ, Олимпия терма жамоамиз биринчи марта халқаро ўртоқлик учрашувида қатнашиш учун Минскка жўнаб кетган эди. Бизга хабар қилишларича, ёш футболчиларимиз биринчи учрашувда Беларусь олимпия терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган. Мухлисларга яхши таниш бўлган Минскнинг «Динамо» жамоаси билан бўлган беллашувда эса ҳамюртларимиз 1:3 ҳисобида имкониятни бой беришди. Ҳар ҳолда ёш футболчиларимизнинг дастлабки натижалари ёмон эмас. Асосий беллашувлар ҳали олдинда. Кеча терма жамоамиз Рига футболчилари билан майдонга тушди.

Театр: «Шарқ ва Ғарб» халқаро фестивали ҳомийларини таништирамиз.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗҚУРИЛИШ» БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ ТЕАТР БАЙРАМИ ҲИСОБИГА 3 МИЛЛИОН СУМ УТКАЗДИ

Шундай қилиб театр арбобларининг мурожаатига биринчи бўлиб мазкур ташкилот ҳомийлик қилишга бел боғлади.

Бу ҳақда қарор бирлашма кенгашида қабул қилинди — дейди «Ўзбекнефтгазқурилиш»нинг қурилиш-монтаж бирлашмаси бошлиғи, Республикада хизмат кўрсатган қурувчи Василий Товаровский. — Бизнинг кўп минглик жамоамиз республикамизнинг турли бурчакларида меҳнат қилишади. Уларни Муборак ва Мингбулоқда завод, насос станциялари қурилишида, қувурлар ётқизишда, шунингдек, Украина ва Россияда учратиш мумкин. Биз узоқ йиллардан бери шакилланган ўзаро иқтисодий алоқаларни узмасдан аксинча уни тобора мустаҳкамлаб бормоқдамиз.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида театр фестивалини қўллаб-қувватлашга чақирилган мурожаатни ўқиганимиздан сўнг жамоамиз бир овоздан мазкур анжуманга қатнашиш ва унга ҳомийлик қилишга қарор қилди. Бизнинг ишчиларимиз шаҳарлардаги театрлардан олисда — газ ва нефт қувурлари атрофида вақтинча тикланган уйлар ва вагонларда истиқомат қилсаларда уларнинг кўнгли театр санъатига бегона эмас.

Бир гуруҳ ҳамкасб дўстларим номидан Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси, севимли актрисамиз Бернюра Қориевага шундай дегим келади: Ўзбекистоннинг эркаклари Сизни доимо қўллаб-қувватлайди ва шу йил кузда ватанимиз пойтахтида ўтадиган саҳна усталарининг катта байрамини ўтказишда ҳар томонлама ёрдам беради.

Газетамиз ушбу фестивалга ҳомийлик қилишни ноотовчи ташкилотларга ҳисоб рақамлари ва манзилгоҳни яна бир бор эслатиб ўтади: «Театр: Шарқ ва Ғарб» 000601729, ПСБ Меҳнат бўлими, Тошкент шаҳри, код: 172627315.

Маълумот учун телефон: 32-36-43.

• *Ўқинг, қизиқ*

«Ялангоёқ юринг, соғлом бўласиз!»

ҚУЕШ айни тепага келиб, шаҳарнинг асфальт ва бетонларидан кўтарилаётган иссиқ ҳовур дераза оша димоққа урнлиб, кишини беҳузур қиладиган пайт. Эшик очилиб, 40 ёшлар чамаси бир киши кириб келди. Салом алик, илтифотлардан сўнг у киши ўринидиққа хорғин чўкаркан: «Мана, шу аҳволда сизларни Чуст томонлардан қидириб келяпмиз», — деди, қўлларини ёй тарафга ёйиб, гўё мени кўриб қўйинглар, дегандек. Бошдан-оёқ разм солдик. Яланг оёқларига кўзимиз тушиб ажабландик:

— Нима бўлди? Тинчликмн?

— Тинчлик, тинчлик...

— Поездда ўғирлашдими?

— Йўғ-е, ўзим атай шундай келяпман. Икки ойдирки, ялангоёқ юрибман. Негаки соғлиқ учун кони фойда-да.

Ўнчалик ишонқирамаётганимизни сездими, сумкасини титкилай бошлади.

— Менда профессор олимларнинг тақдимномаси бор, мана...

У кишининг қўлидан қоғозларни олиб кўздан кечирдик. Бири тиббиёт фанлари доктори Шаҳоб ҲАМРОЕВнинг дастхати экан. Ўқийлмиз:

«Ялангоёқ юриш саломатлик учун катта фойда. Чунки, товон остида жуда кўп хитой актив нуқталари бор. Улар бутун ички аъзо ва танинг бошқа фаолиятини бошқаради. Ялангоёқ юришни ёдан бошламоқ маъқул...

— Шаҳардаям ялангоёқ юрибсизми? — сўрадик тандирдек қизиётган ҳавога ишора қилиб, — Тупроқда юриш бошқа гап, аммо бетон, асфальт устида...

— Э, нимасини айтасиз, бу оёқларнинг таги қотиб кетган, иссиқ ўтмайди. Аввал тупроқ, қум устида юриб бошладим, эндиликда тошлар устида юряпман. Юриб кўринг, мазза қиласиз. Чарчоғингизни билмайсиз. Жуда кўп касалликларни табиий яъни ялангоёқ юриб даволаш мумкин.

— Бундай юришингизга қараганда бирор дардингиз бўлса керак-да?

— Худога шукр, ҳамма ерим соппа-соғ. Ўзим полвонман. Фарғонача кураш бўйича уч марта республика, саккиз марта вилоят чемпиони бўлганман. Гапим қуруқ бўлмасин, мана буларни кўринг, — шундай дея у чемпионлик учун берилган Фахрий ёрлиқлар, дипломларини узатди. Танишиб чиқдик. Меҳмонимиз Султонбек полвон РАҲИМБЕКОВ экан.

— Султонбек ака, саволимиз жавобсиз қолди...

— Нимайди, ҳа... Кураш-дан қолган асорат — у ер, бу еримда санчиқ турарди. Ялангоёқ юришнинг фойдалиги ҳақида «Советский спорт» газетасида ўқигандим. Бир туркум мақолалар беришди. Бундан ташқари америкалик машҳур табиб Пол Бергтнинг табиий даволаниш ҳусусидаги китобини ўқиб чиққандим. Кел, бир ўзимда синаб кўрай,. дедим.

— Дастлабки кунлар анча қийналгандирсиз?

— Ҳа, табиий. Аммо жуда ҳўзур қилдим. Ялангоёқ юриб кўрсангиз биласиз, руҳингиз енгил тортади.

— Икки ойдан буён ялангоёқ юрибман, деяпсиз, оёқларингизнинг таги ҳам қотиб кетибди. Табиийки, маълум жиҳатдан оёқ остн нуқталари ҳам ҳимояланиб, таъсирланиш кучини йўқотган. Ёки ялангоёқ юришда яна давом этмоқчимисиз?

— Йўқ, қишгача... ҳали айтдиму, кейинги пайтда кўпроқ тошлар устидан юряпман. Бу қишда захдан сақлайди. Хасталикка чалинмайсиз. Эътибор берган бўлсангиз руслар, айниқса европаликлар ёзда қуёшда тобланишади, баданларини чиниқтиришади. Яланг оёқ юриш баданни чиниқтиришнинг энг қулай усули. Мана буни ўқинг.

Профессор Жамол ЖАЛОЛОВ, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг кафедра мудири:

«1990 йил июнь-август ойида АҚШда бўлдим. Болалардан тортиб қарияларгача бермуда (Вермудс — шорти, калта шим) ва пахтадан қилинган майка кийиб юришар экан. Негаки, бу кийим баданнинг қуёшда чиниқиши имконини беради. Ерда, асфальт устида атай ялангоёқ юрганларни ҳам учратдим. Фойдали бўлса керак-да, Спиртли ичимликларни кам истеъмол қилишар экан. Айниқса, ерли аҳоли ўртасида эрталаб ва кечқурунлари югуриб туриш кенг тарқалган. Одат тусига кирган десак ҳам бўлади».

Ўқиб бўлишим билан суҳбатдошим ўзимни саволга тутди:

— Қаердансиз, ука?

— Самарқанддан...

— Қишлоқданмисиз ёки шаҳардан, деб сўрамоқчи эдим?

— Қишлоқдан, кенг даштлик. Деярли мактабгача ялангоёқ ўйнаб, катта бўлганмиз.

— Балли. Эътибор берганмисиз, қишлоқ болаларига нисбатан шаҳар болалари кўпроқ ва тез хасталикка чалинади.

— Ҳа, иш фаолиятимда шундай фактларга дуч келганман.

— Балли. Бунинг сабаби ана шу ялангоёқ юришда. Буни тиббиёт алломаси **Ибн Сино ҳам таъкидлаб айтган: «Ҳамма касалликларнинг бошланиши тупроқ билан оёқ ўртасидаги узилишдандир».** Яна бир мисол, Бобур шоҳга ялангоёқ юрманг, салтанатнинг шуури, файзи кетади, дейишганда, у ахир мен ҳам инсонман, ялангоёқ юриб баҳра олгим келади, деб жавоб қилган экан. Агар ўқиган бўлсангиз шу ҳақда Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида яхшигина лавҳа берилган.

— Ҳа, ўқиганман. Тошкентга нима юмушлар билан келгандингиз? Одамлар сизга қараб ажабланишаётгандир?

— Одамларнинг қарашига қўникиб, эътибор бермайдиган бўлиб кетганман. Тошкентга шахсий ишларим юзасидан келувдим...

— Султонбек ака, кечирасиз-у, бизга яъни газетамизга мурожаат қилишингиздан мақсадингиз нима, деб сўрамоқчи эдим?

— Чуст райони газетасидагилар сизларни спорт ва саломатлик ҳақида яхши нарсаларни ёритишаяпти, дейишди. Шунга келувдим. Мақсадим, тўғрироғи, бир қанча мутахассислар билан ҳамкорликда мақсадимиз Америка табиби Пол Бергг ҳамда рус шифокори Перфирий Ивановичнинг «Детка» усули бўйича (яъни табиий даволаниш) Чустда соғломлаштириш марказини очмоқчимиз. Туман раҳбарияти бизнинг ташаббусимизни қўллаб-қувватлаяпти. Туман марказида жўда сўлим истироҳат боғи бор. Ана шу ерда гуруҳимиз иш бошламоқчи. Энг аввало, бизга 3 тонна сув сиғадиган қозон, душ қурилмаси керак. Масканимиз ишга тушса, у ерда югуриш, бадантарбия машқларини бошлаймиз. Шуғулланувчилар кўкарган буғдойдан тамадди ва махсус сувдан истеъмол қилишади...

— Кечирасиз, гапингизни бўламан, бизда кўкарган буғдойдан сумалак қилишадн, лекин истеъмол қилиш ҳақида эшитмаган эканман...

— Биласизми, сумалак нима учун қанд ёки шакар солинмасада ширин бўлади. Чунки, буғдойда шу модда кўп, Ундирилган буғдой, яъни бир сутка давомида сув ичида турган дон ниш урнб бошлайди. Ана шу пайтда буғдойнинг барча оқсиллари кучга энади, у инсон организми учун жуда фойдали.

Машғулотлардан сўнг совуқ сув билан бадан чиниқтирилади. Шунда шамоллашнинг барча турларидан аста-секин форғ бўлинади. Бундан ташқари очлик билан даволаш услуби йўлга қўйилади. 42 соат овқат емай юрилса, бўғин ва бошқа тана аъзоларидаги тузлар йўқолади, қон тозаланади. Ортиқча семизлар табиий озади.

— Кечирасизу, ёшлигимизда терлаб келиб совуқ сувда ювинсак боболаримиз, момоларимиз уришиб беришарди. Ҳозир шамолламасанг ҳам қариганда азобини тортасан, дейишарди.

— Тўғри, лекин сиз тўғридан-тўғри совуқ сув оқиб турган душ тагига тушмайсизда. Бунинг ҳам ўз қонуниятлари бор. Аҳён-аҳёнда совуқ сувда ювиниш билан тиббий маслаҳат асосида мунтазам шуғулланиш бошқа-бошқа нарсалар. Буни фарқлай билиш керак.

— Мабодо ўқувчиларимиз қизиқиб, сиз ва табиий даволовчи гуруҳингизни суриштирсалар, сизларни қаердан топишади?

— Гуруҳимиз Чуст шаҳар, Ломоносов номли мактаб қошида иш бошламоқчи.

— Европада табиий даволовчи турли дам олиш жойлари ташкил қилинган. Бизда ҳам тупроқ, қум ва тошлар устида ялангоёқ юрадиган жойлар, даволаш маскаилари ташкил қилинишига қандай қарайсиз?

— Менимча, бунга ҳожат йўқ. Чункн, бунинг учун ҳозир озмунча маблағ талаб қилинмайди. Кейин бу оромгоҳга йўлланма варағини олиш, йўл ҳаражатлари... Яхшиси одамлар ўз уйларида шуғулланганн маъқул. Чунки бунга шароит бор. Масалан, ҳар куни зрталаб ва кечқурун ўз уйлари атрофнда ёки истироҳат боғими, спорт майдонидами мунтазам ялангоёқ югуриб туришса бўлади. Ўзларини синаб кўришсин. Агар бу машғулот маълум хасталиги учун шифо бўлишини сезишса, унда ншни охиригача етказиш учун биз билан ҳамкорлик қилишларн, биздан маслаҳат олишлари мумкин.

— Қишлоқ жойларида бунинг имкони бўлиши мумкин. Бироқ, шаҳар... Кўнглингизга келмасин-у, маданиятга тўғри келармикин?

— Ҳар кимнинг соғлиғи ўз қўлида.

— Фарғонача кураш бўйича 1980 йнл Ўзбекистон чемпиони бўлганингизда вазнингиз 100 килограммдан ортиқ экан. Энди эса...

— Ҳозир тошингиз енгил-ку, демоқчисизда? Ҳа, энди, қўй бир теринннг ичида юз марта семириб, юз марта озади, дейишади-ю. Қолаверса, бой билан вазн мутаносиб бўлгани яхши...

Султонбек ака билан анча гурунглашдик. У кишининг фикрларига баъзан қўшилсак, баъзан эътирозимизга сабаб бўлди. Газетхонга ҳам суҳбатимизни табиийроқ беришга ҳаракат қилдик. У кишининг фикрларини юз фоиз ҳақ деёлмаймиз. Ҳукмни сиз, азиз ўқувчиларга қўйиб берамиз.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: С. Раҳимбеков қўлбола штанга билан машқ қилаяпти.

"Жиззахоблколхозстрой" трестининг 58-Дўстлик (МПМК-58) кўчма колоннасига қуйидаги касб эгалари керак:

- ғишт терувчилар;
- бўёқчи-сувоқчи;
- бетончилар;
- дурадгорлар;
- пайвандчилар, электрогазпайвандчилар;
- мармар терувчилар;
- экскаватор, бульдозер, ва скрепер машинистлари;
- автомобил ҳайдовчилари.

Маошлар ишбай-мукофотли, шартнома асосида ҳақ тўланиши ҳам мумкин. Яшаш жойи бўлмаганларга ётоқхона берилади.

Ўзбекистон Фанлар Академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашма жамоаси бирлашма бош директори, техника фанлари доктори, профессор Ҳ. Нигматонга қайнотаси **Акбар-ота ШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот маркази жамоаси Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзоси, рассом Исфандиёр Ҳайдарга нолидаси **Гулчеҳра ЖАЛОЛ** қизининг бенақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эскергап БОЛИЕВ, Миравкал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин ўринбосари, «Народное слово»), Людмила Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Муҳиддинов, навбатчи — Ю. Бекмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—441. 97346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 23.30.
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.